ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 5 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01016

ХИВА ХОНЛИГИДА ТУРКМАН ЭЛАТИНИНГ ЖОЙЛАШУВИ

Алишер Султанназирович Тожиев
Урганч давлат университети ўқитувчиси
raximova1977@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Хива хонлиги ҳудудида туркманларнинг тарихий-ҳудудий жойлашуви ва уни ўрганишда тарихий манбалар ва архив хужжатлари билан ишлашнинг ўрни ҳақида маълумотлар келтирилган. Мақолани таҳлил, натижалар ва хулоса қисмларида муаллифнинг фикр-мулоҳазалари келтирилган.

Калит сўзлар: Аваз иноқ, Ярмиш канали, Қилич Ниёзбий канали, Гандумқалъа етаклари, кўчманчи, туркман навкарлари.

LOCATION OF THE TURKMEN PEOPLE IN THE KHIVA KHANATE

ABSTRACT

In this article provided information about the historical and territorial location of the Turkmen in the territory of the Khiva Khanate and the role of its study in the work with historical sources and archival documents. The author's comments are given in the analysis, results and conclusion sections of the article.

Keywords: Avaz inoq, Yarmish canal, Kilich Niyazbiy canal, Gandumkala foothills, nomads, Turkmen navkars.

КИРИШ

1505-йилда Шайбонийхон Хоразмни босиб олди. Аммо,1510-йилда Исмаилшоҳ томонидан мағлубиятга учратилиб, ўлдирилганидан кейин, Шайбонийлар давлати парчаланиб кетди. Хоразм Эронга бўйсундирилди.

Хоразмда сафавийларга қарши кураш бошланиб, курашнинг ташаббускори Вазир шаҳрининг қозиси Умар қори бўлган. Хоразм тахтига Дашти Қипчоқдаги Шайбон авлодидин бўлган Берка Султоннинг ўғли Элбарсхонни таклиф этганлар. Элбарсхон 1512-йилда Хоразм тахтига ўтқазилган. Пойтахт Вазир шаҳридан Урганч шаҳрига кўчирилган.

Хива хонлигининг аҳолиси этник, маданий ва тил жиҳатдан фарқ қилувчи 3 гуруҳга бўлинган: 1) азал-азалдан шу заминда яшаб келган, тили туркийлашган қадимги Хоразмликларнинг авлодлари; 2) туркман қабилалари; 3) Дашти Қипчоқдан Хоразмга кўчиб келган қипчоқ қавмлари.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01016

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Кенг қум майдонларидан иборат Манғишлоқ, Устюрт ва қорақумда жойлашган туркман қабилаларининг Хоразм воҳаси билан иқтисодий ва сиёсий муносабатлари чамбарчас боғлиқ бўлган. Туркманлар ўзларининг чорвачилик маҳсулотларини Хива бозорларида сотиб, дон ва хунармандлар тайёрлаган буюмларга алмаштирганлар. Аёзли қишда улар Хоразм воҳаси атрофларида қўним топганлар, чунки бу ерларда чорва учун ем-ҳашак топиш имкони бўлган.

Бироқ доимий яшаш учун туркманлар воҳага анча кейин келганлар. XVI аср бошларида Хоразмга анча яқин туркман қабилаларидан адоқли ва хизр қабиласи Узбой ва Сариқамишнинг юқори қисмида, али-эли қабиласи эса Сариқамиш ва Узбойнинг ўрта қисмида яшаганлар. Кейинчалик Устюрт ва Манғишлоқнинг шимолий-ғарбий ҳудудларида салор, човдур, эрсари қабилалари яшаган[1]. Ғарбий туркман кабилаларининг унумдор ерли воҳаларга юришлари XVI асрнинг ўрталарида икки йўналиш бўлиб Ҳоразм ва Копет-тоғ тоғ этакларидан бошланган. Бу юришларнинг катор сабаблари мавжуд. Манғишлок, Устюрт ва Коракум чўлларидаги ем-ҳашак ва сув етишмовчиликлари чорвачиликни ривожланишини чеклаб қўйган, бу еса туркмнларни бошка хўжалик ишлари-баликчилик ва овчилик, мълум даражада деҳкончилик билан шуғилланишга мажбур килган. Чорвачилик маҳсулотлари етишмаслигини деҳкончилик билан шуғулланадиган воҳалари нонт билан тўлдирганлар. Нон оладиган воҳаларга, баликчилик билан шуғулланадиган Каспий денгизи бўйларига туркманларнинг кизикишлари аввалдан кучли бўлган. Табиий шароитларнинг кескинлашуви ўз-ўзидан воҳага киришга тўскинлик килган. XIV ёки XV асрнинг бошларида унчалик катта бўлмаган икки кабила (ҳизр- эли ёки адокли ҳизр ва али-эли) Узбойдан Сарикамишгача бўлган ерларда деҳкончилик билан шуғилланганлар. Улар Амударё ирмоклари окимининг ўзгариши, сув танкислиги сабабли воҳага кўчиб ўтганлар. Кўпчилик шимолий туркман кабилаларининг Хива ҳонлигига жойлашишларига кучли кўчманчилар XVI асрда нўғайлар, XVII асрда калмиклар, XVIII-XIX асрда козокларнинг ҳужумлари туртки бўлган. Боскинчи кўчманчилар ҳужуми туркманларни факат ўз ерларидан емас, бутун бойлиги, чорвачилигидан ҳам ажралиб колишларига. Уларни воҳага кўчиб, деҳкончилик билан шуғилланишга мажбур килган. Ҳива ҳонларининг туркман кабилалари устига юришлари натижасида ҳам ҳудди шундай аҳвол содир бўлган. Ерларнинг ўзлаштирилиши, ҳосилдорликнинг ошиши, ўтрок ҳайотнинг афзалликлари барча Ўрта Осиё кўчманчиларига туркман кабилаларида ҳам деҳкончилик

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01016

билан шуғилланишга иштиёк туғдирган бўлиши мумкин[2]. XVI-XVIII асрларда туркманлар деҳкончилик килган ерларнинг ҳажми маълум эмас, буни ўтрок ҳайотга канчалик таъсир кўрсатганлигини ҳам айтиш анча кийин. XVII асрнинг 20-йилларида Исфандиёр ҳонлиги даврида (1623-1642) Ҳоразмда кўп сонли туркманлар пайдо бўла бошлайди. Булар салор ва эрасизлар бўлганлар. Улар Ҳива ҳонлигида маълум бир мавкега ега бўлганлар. 1645 йилда Абулғози Ҳазорасп атрофида туркманларни тор-мор килади ва бу уларни ҳонликдаги камайшларига олиб келади. Эрсарилар Амударёдан юкори Буҳоро ҳонлигига ўрнашадилар. XVIII асрни 60-йилларида салорларнинг маълум қисми така ва ёвмитлар таъсирига қарши курашиб, Хива хонлигида яшаб қолганлар. Охирги икки қабила XVIII асрнинг бошларида айрим манбаларга асосланиб, Хива хонлигида маълум аҳамиятга эга бўлганликлари кўрсатилади. Туркманларнинг хива хонлигига жойлашиши XVII асрнинг 2-ярмига ҳам тўғри келади. Бу даврда Хоразм воҳасида маълум бир қисм човдирлар ҳам бўлганлар. XVIII асрларда Хоразмда туркманларнинг 4 та қабиласи салорлар, ёвмутлар, човдирлар ва такалар бўлганлар.Бу туркман қабилаларининг қайси туманларда яшаганликлари ҳақида маълумотлар жуда кам сақланган. Хива солномачиларининг ҳикоялари човдирлар ва ёвмутлар бу пайтларда кўчманчи тарзда ҳаёт кечирганларидан ҳабар беради. Туркманлар (1743 ва 1767 йиллар) Хива хонлигига қарашли барча ҳудудларда жойлашганлар. Бироқ ўтроқ ҳаёт кечириб маълум туманларни бирлаштирган эмаслар.Буни эса Хоразмда сиёсий вазиятнинг барқарор эмаслигидан деб қараш мумкин.Мавқеи баланд бўлган ўзбек қабилаларидан манғитлар ва қўнғиротлар ўзбек феодаллари ўртасидаги ўзаро урушларга ҳам жалб этилган. Бу урушлар натижасида кўпгина сув иншоотлари, экин майдонлари пайҳон қилинади. Бу эса туркманларга экин майдонлари етишмаслигига сабаб бўлади. Шунинг учун бўлса керак, XVIII асрларда ёвмутларни, човдур ва такаларни воҳанинг ўтроқ аҳолиси деб ҳисоблаб бўлмайди. Ёвмутлар 1743-йил оқсарой ва Кўҳна Урганчда, 1760-йилларда Чиғатой, Музқумғон, Шоҳободда, 1767-йиллар кўпчилик ёвмутлар Янгиариқ тумани - Остонада ҳаёт кечирганлар, кейинчалик эса бу ерларда такалар ўрнашган. Човдурлар ХВИИИ асрни 60-йилларида Амбарда ва Манокда, Шоҳобод атрофларида жойлашганлар. Кўҳна Урганч ва унинг ғарбий ва шимоли-ғарбий томонидаги ерлар асосан ёвмутлар яшаган энг кўҳна туман ҳисобланади.Туркманлар бу туманларнинг айримларида экин майдонларига эга бўлганлар. Муҳаммад козимнинг айтишича, 1743-йил Кўҳна Урганчга жойлашган ёвмутлар Оқсарой атрофларидаги экин майдонларини

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01016

оладилар.Туркманлар унумдор экин майдонлари учун ўзаро ва ўзбеклар билан курашлар олиб борганлар. XVIII асрнинг 40-йилларида, Муҳаммад Козимнинг сўзларига қараганда , салор ва ёвмутлар вакиллари орасида мансаб, ер ва сув учун ўзаро урушлар бўлган. Салорлар 1767-йилгача Хоразмда бўлганлар.Кейинчалик ёвмутлар ёвмутлар томонидан қувилиб, тор-мор қилинганлар. Уларнинг кейинчалик қаердадир жипслашган гуруҳ бўлиб жойлашганлари маълум эмас. XVIII аср ўрталарида туркман қабилалари Хива хонлигида барқарор бўлмаганлар. Муҳаммад Козимнинг таъкидлашича, салорларнинг вакиллари давлат ишларида қатнашганлар. Шу билан бир вақтда Хива бошқарувчилари билан туркман қабилалари ёвмутлар ва човдирлар ўртасида қарама-қаршилик, душманлик ҳукмрон бўлган. Манбаларда бу қабила эгалари Хива хонлигида қандай қилиб ер олганликлари ҳақида маълумотлар йўқ. Бу пайтда марказий бошқарув заифлиги сабабли ёвмутлар ва човдирларнинг Хивадаги тинч муносабатлари барқарор бўлмаган. XVIII асрнинг 60-йилларида ёвмутлар ва човдирлар ўзбек феодаллари билан бешафқат кураш олиб борганлар. Манбалар бу кураш сабабларини ёритиб беролмайди, буни туркманларнинг унумдор ерларни туб аҳолидан тортиб олмоқчи бўлганликлари билан хулоса қилса бўлади. 1768-йил човдирлар Муҳаммад Инок томонидан берилган зарбалардан сўнг Манғишлоқдан кетишга мажбур бўлишади. Ўша пайтларда уларнинг бир қисми шимолга Қўнғиротга ўтган бўлишлари керак[3]. 1771-йил ёвмутлар Муҳаммад Амин томонидан томонидан тор-мор қилинган ва улар Гурганчга кўчишган.Бироқ 1779-йил Муҳаммад Амин уларни яна Хива хонлигига чақиради, хизматига қабул қилади. Ёвмутлар Оқсарой ва Музқумғон атрофларига жойлаштирилади (Мунисниng сўзларидан). Қўнғирот сулоласи асосчилари ўзбек феудал зодагонларига қарши курашда ёвмут қўшинларига суянганлар. Муҳаммад Амин иноқнинг ворислари ҳам асосан шу сиёсатни давом эттитганлар. Хива хонлигининг туркманлар билан иттифоқи мустаҳкам эмас эди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Элтузархон даврида 1804-йил Хоразмда ўрнашган туркманлар қўзғалон кўтардилар. Натижада ёвмутларнинг катта қисми яна хонликдан кўчирилади. 1806-1825-йиллар Муҳаммад Раҳимхон давридагина туркманларнинг Қўнғирот сулоласи билан муносабатлари анча барқарорлашган. Хива хонлигидаги туркманларнинг Қўнғиротлар сулоласи ҳокимиятини қарор топтиришда маҳаллий ҳукмдорлар ўзбошимчалигини бартараф этиш ва марказлашган

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01016

давлатни ташкил қилишда ҳизматлари бор. Ҳукуматнинг кучланганидан фойдаланган Хива ҳукмдорлари яна ободонлаштириш ишларини олиб бооpиш имкониятига эга бўладилар, натижада воҳанинг ғарбий ва шимоли-ғарбий атрофларида янги қўриқ ерлар, даҳалар барпо бўлган. Бу янги ерга асосан туркманлар жойлашганлар. XIX асрнинг 1-ярмида Хива хонлиги томонидан туркманларни Хоразмга жалб қилиш сиёсати олиб борилган. Бу даврда Хива ҳарбий қўшинларининг жанговар қисмларини ҳарбий туркман навкарлари ташкил қилган. Ҳарбий навкарлик хизмати кўпчилик туркманларнинг Хива хонлигидаги мавқеини белгилаб берган. Жанубий Туркманистондаги айрим қабилалар (али-ели, қардош, гўклан) Хива хонлигига мажбуран жойлаштирилган ва уларга турли имтиёзлар берилган. Туркманларнинг айрим бошқа гуруҳлари ихтиёрий равишда Хоразмда яшаш учун Хива хонлигига мурожаат қилишган. Кўчиб келган туркманларга Хива хонлиги ёрдам тариқасида туя, мансабдорларига пул, совғалар берган. Хоразмга кўчиб келган туркман қабилаларига хонлик омборхоналаридан катта бадал ҳисобидан дон берилган ва биринчи даврларда барча жавобгарликлардан озод қилинганлар . XIX асрнинг I-ярмида айрим туркман қабилалари Хива хонлигида қуйидагича жойлашганлар: ёвмутлар XVIII асрнинг охирларида 2 та асосий туманга жойлашганлар. Ғозовот каналининг пастида, ғарбида жойлашган шаҳар (Хива саналарида Оқсарой-Музқўмғон туманлари деб юритилади) ва Кўҳна Урганч вилояти, ундан шимолий ва ғарбдаги Устюрт ҳамда Сариқамишда ўрнашганлар. Ғозовот туманида жойлашган юқори, Кўҳна Урганчда жойлашганлари паст ёвмутлар деб аталган. XIX асрнинг ўрталари ва 2-ярмида паст ёвмутларнинг бир қисми Кўҳна Урганчнинг шимолий ва шимоли-ғарбида жойлашганлар. Амударё ирмоқларидан кўлни ўзлаштиришда фойдаланган ёвмутлар қуйи ёвмутлар деб аталганлар. Ёвмутларнинг Кўҳна Урганч вилоятида ўтроқликлари XIX асрнинг вақтда Дарёликда жипслашган туркман аҳолиси ташкил топган. XIX асрнинг 30-40 йилларида ёвмутларнинг бир қисми Дарёликдан жанубда Шоҳмурод (Шомурот) канали, Тоза Хонобод, Гандумқалъа, Уаз ва отқирилган вилоятларида жойлашганлар. Ёвмутларнинг Дарёлик ғарбидаги майдонларга жойлашишлари, Муҳаммад Аминхон томонидан амалгам оширилган ирригатсия қурилишлари билан боғлиқ[4].

ХУЛОСА

Бу ҳудудлар ўзлаштирилмасдан олдин туркманлар шу ерларда кўчманчилик қилганлар.1828-1842-йиллар Оллоқулихон ҳукмдорлик даврида

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-01016

ёвмутлардан янги қабила ажралиб чиққан. Бу қабила Қора йилғин қишлоғидан ер олган ва қора йилғинлилар деб аталганлар (Лавзаннинг қуйи оқимидаги ва Дарёликда, Кўҳна Урганчдан жанубий - шарқда). Расмий равишда бу ер Тоза Қўнғирот деб юритилган.1840-йиллар Оллоқулихон бошқарувидан кейин бу қабиланинг бир қисми Манғитдан жанубий - ғарбдаги Кубатаға туманида жойлашган. Қора йилғинлиларнинг жойлашиши ва қабиланинг бир қисмини Қуба тоғига кетиши, - XIX асрнинг 30-йилларида Амударё тошиб кетишидан, экин ерларининг сув босиши билан боғлиқ, -XVIII асрнинг охири, XIX асрнинг бошларида човдирлар Хоразм воҳасининг шимолий қисмида жойлашганлар. У ерда Човдирқалъа деб аталган қалъа бўлган.

XIX асрнинг биринчи ярмида Хива хонлигида 150-200 минг туркман (хонлик аҳолисининг 26,8 %) яшаган. Туркманлар аҳолининг тўртдан бирини ташкил этган. Хўжалик – маданий жиҳатдан туркманлар кўчма (чорва) ва ўтроқ деҳқон (чўмур) қисмларга бўлинган[5].

REFERENCE

1. Хоразм тарихи. I жилд. Урганч, 1996. 225 бет.
2. Брегель. Хорезмские туркмены в XIX веке. М.: 1961.с.6
3. Исо Жаббаров. Жаҳон этнологияси асослари. Т.: “Янги аср авлоди”. 2005, 136-бет
4. Исо Жаббаров. Жаҳон этнологияси асослари. Т.: “Янги аср авлоди”. 2005, 136-бет
5. Садуллаев А.С., Сотлиқов А.Я. Хоразм Маъмун Академиясининг тарихий илдизлари. Урганч. 2003
6. Давлатёр Рахим, Шихназар Матрасулов. Феруз, шох ва шоир қисмати. Т.: 1991